


13 (959)-сон
1 – 7 апрель 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

4



ВАТАН ТИЛДА ЭМАС,
ЮРАКДА БҮЛАДИ

ФАРЗАНДЛАР СОНИ
ВА... СОГЛИФИ



5

НОМИМИЗНИ ТОШГА
ЭМАС, ЮРАККА
ЁЗАЙЛИК

6



35 ЙИЛДАН СҮНГ
ТОПИЛГАН ОТА

13



**Юртимнинг ҳар гўша, ҳар чаманида
Виқор-ла кезишар оппоқ лайлаклар.**

КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-куватлаш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон килинди.

→ Пойтахтимиздаги "Туркестон" санъат саройида Президент соврини учун аньанавий "Ташаббус—2010" кўрик танловининг республика босқичи ўтказилиб, голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

БУГУН:

→ 1 апрелнинг Кулги ва ҳазил куни эканлигини унутмадингизми? "Кулинг, умрингиз узоқ бўлади" деган экан машхур асиячиларимиздан бирга Юсуфжон кизик хам. Қанийди, бир кунгина эмас, бир умр ҳаммамизни ана шундай шодмонлик, қувноқлик тарк этмаса!

→ Шунингдек, бугунги сана Ҳалқаро кушлар куни(1906) сифатида ҳам бутун дунё миқёсида эътироф этилган.

ЭРТАГА:

→ Мамлакатимизда соҳибкорон Амир Темур таваллуди куни(9 апрель)га қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

→ ЖУРНАЛИСТЛАР ДИККАТИГА!

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Олтин қалам" Миллӣ мукофоти учун ўтказилаётган ҳалқаро танлов(2010 йилги мукофот жамғармаси 113 миллиондан ошидига)га материаллар қабул қилиш 12 апрелда ниҳоясига етади.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

«Кора хат» келган жангчининг дил сўзлари	2
Дарс берадиган депутат	2
Ўқимаган, хунари йўқ куёв кимни бокади?	3
Дили кўйган Нодирага ёзилган мактублар	5
Теледастурлар	8–9
Кулоққа айтилмайдиган гаплар	11
Фолиб бўлиш сири	12
«Иккинчи юрак» ҳасталиги ёхуд бепуштлик сабаблари	12
Мехнат кодекси қоидаларини бузган раҳбар	16
Кўлсиз аёлнинг баҳти	16

ДОРИЛОМОН КУНЛАР КЕЛДИ

Азизлар, тинч-дориломон кунларнинг қадрини бизлардан сұранг. Бир бурда нон жонингдан ҳам азиз бўлган ўтмишдаги воқеаларни эслаш менга қисмидош ёри биродарларим учун осон деб ўйлайсизми? Ўз кўзим билан кўрган даҳшатли уруш хақида гапиргандан кўра, невара-чевараларимга бугунги ёргу дамларнинг қадрига етмоқни минг бора таъкидлайман. Кўплар учун у кунлар энди эртак, афсона. Илоё, хеч қачон уруш нелигини биласин, дейман-да, ҳар доим гурунларим мавзусини яхшилик ва эзгуликларга бой воқеаларга буриб юбораман. Нега дейсизми?

Тасаввур қилинг: Ватанимиз мустакил деб эълон қилинган йилда туғилган йигит-қизлар бугун айни навқирон – 18 ёни тўлдириб, 19 га қадам кўяпти. Мени ҳам раҳмататлик ота-онам, жигаргушаларим “Ой бориб, омон кел” деб кўзларида ёш билан урушга кузати колгандаридан бор-йиги 19 ёнда эдим! У ёғини эслашга юрак чида-

майди: кирғинбарот жанглар, енгил ва қайта-қайта оғир ярадор бўлғанларим, ҳатто мени “ўлди”га чикарib, уйимга “кора ҳат” келгани... Лекин тақдирни қарангки, 1944 йилда ногирон бўлиб она юртим – Сурхондарёга қайтганим.. – эртак эмас, ҳақиқат!

Кейин ўқидим, кирк йилдан кўпроқ муаллимлик қилдим, худога минг қатла шукрки, тинч-осойишта кунларда олти фарзандни тарбиялаб вояжга етказдим. Ўттис набираам, ўттис битта чеварам бор бугун. Гўё дунёда мендан баҳтли одам йўқдай.

Шундан келиб чиқиб, айтмоқчиликни, юртимизда хотира ва қадрлаш куни катта байрам сифатидаги нишонланаётгани билан – уруш кўрган ва фронт ортида мардона хизмат қилинг кекса авлод вакилларига алоҳиди дафар-иiftihor бағишлади. Чунки биз фахрийларни йилнинг бир кунида эмас, балки деярли ҳар куни эъзозлашади, ардоқлашади. Бир кун мактаб-лицейларга, бошқа пайт эса маҳалла ёки коллежларга чорлаша-

ди, саволлар беришади, гуллар, соввалар билан сийлашади. Бундай савимий эътибор ва хурмат учун халкимизга таъзим қиласиз.

Айниска, яқинда Юртбошумиз бизларга яна бир ажойиб эктиром кўрсатдилар: муборак айём арафасида “Иккинчи жаҳон урушидаги фалабанинг 65 йиллиги нишонлаши мусносабати билан 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармон эълон қилинганини эшишиб, ўқиб, бошимиз осмонга етди. Бу эса баҳор байрами – Наврӯз олам нишонланаётган шу кунларда бизларни янада шодлантириди, руҳимизни кўтарди. Ана шундай меҳрибонлик ва фамхўрлик кўрсатсанликлари учун биз кекса нуронийлар чин дилдан Президентимизни дуо қилдик, илоё халкимиз баҳтига соғу омон бўлсинлар!

**Хайт МУСАЕВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчisi,
Сурхондарё вилояти,
Кумкўргон тумани.**

БАҲОРГА ҲАМОҲАНГ БАЙРАМ

✓ КЎРГАЗМА

Ўтган куни пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамгармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатчносалари ва ҳалқ усталирининг “IJD” ўшмаси томонидан уюштирилган анъанавий – «Bazar-art» кўргазма-ярмаркаси якунланди. Унда Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридан юздан зиёд хунарманд ва усталари иштирок этдилар.

Уч кун давомида «Bazar-art – 2010» кўргазма-ярмаркасида асосан азалий қадиряятларимиз билан боғлиқ ҳалқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчиллик оид маданий месоримиз намуналарининг тарихи ва айни пайтда ана шу бетакор анъаналарни изчил давом эттириб келаётган супулалар томонидан тайёрланган ижодий ишлар на-моиш этилди. Кўргазма якуннада эса турли номинаци-

ялар бўйича голиблар ҳам аниқланди. Марғилон шахридаги “Ёдгорлик” фабрикаси ва тикувчи Мансур Мирзахонов танловнинг бош граничи сохиби бўлди. Шунингдек, тошкентлик Ҳасан Мирзаҳмединов ҳамда Римма Газалиева, шоғиронлик Зуҳра Облобердиева, андижонлик Мансура Юспова, самарқандлик Икромжон Каримовлар ҳам голиб деб топилиб, маҳсус диплом ва кимматбахо совваларга ега бўлишиди. Шунингдек, ташкилотчилар томонидан Швейцариядаги ишлаб чиқарилган “Вегпіна” маркали 32 та тикув машиналари Тошкент шахри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида уй шародидан юздан зиёд ташкил этилган хотин-қизларга топширилди.

**Барно МИРЗАҲМЕДОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.**



тида фаолият юритаётган хотин-қизларга топширилди.

Диккат, танлов! «АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ: ОАВ НИГОХИДА»

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка ҳалқиқ тилда етказиши, адлия тизими томонидан аҳолининг ҳукукий маданиятини юқсалтириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет сифатида саҳифаларида мазмундор ва сифатида ёртилишига эришиш мақсадида

«АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ: ОАВ НИГОХИДА»

кўрик-танлови ўтказилади. Ушбу танловда журналистлар билан бир қаторда ҳукукшунослар ҳам иштирок этиши имкониятига эга.

Танловда иштирокчилар томонидан тақдим этилган 2010 йилнинг 1 мартадан 1 ноябригача бўлган даврда, журнал, интернет нашрларида эълон қилинган ўзбек, рус ёхуд қорақалпоқ тилидаги мақолалар, телевидение ва радиода эфирга узатилган материаллар ёзилган CD-дисклар ва аудиокассеталар қабул килинади.

Тақдим қилинган материаллар кўйидаги мезонларга кўра танланади:

- а) ёртилаётган масалаларнинг иктиномий-ҳукукий аҳамиятини очиши даражаси ва унинг мазмуни;
- б) материалларни мавзуга доир ва тушуналири берилиши;
- г) материалларда суд-ҳукук тизимидағи ислоҳотлар аҳамиятининг кенгроқ очиб берилиши;
- д) “Баркамол авлод йили” мусносабати билан миллий қонунчиликка киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар аҳамиятини ёритиш;
- е) тизим тарбиғига кирувчи муассасалар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаси ҳақида;
- ж) қонун ҳужжатларини тарғиб этиши ва кенг жамоатчиликка уларнинг мозияти ва мақсадларини ҳалқиқ тилда етказиши.

Кўрик-танлов голиблари қўйидаги номинациялар бўйича тақдирланади:

1. «Энг яхши телевизор»
2. «Энг яхши радиоэшиттириши»
3. «Энг яхши макола»
4. «Энг яхши интернет материали»
5. «Энг яхши видеоролик»

Голибларга бериладиган соринилар:

1. 3 та биринчи ўрин учун рангли телевизор
2. 2 та иккинчи ўрин учун диктофон
3. 3 та учинчи ўрин учун DVD магнитофон
4. 1 та энг яхши интернет материали учун фотоаппарат
5. 1 та энг яхши видеоролик учун рангли телевизор.

Шунингдек, рағбатлантируви мұкофотлар ҳам таъсис этилган. Танловда иштирок этиши учун материаллар шу йилнинг 1 ноябригача қабул қилинади.

Кўшимча маълумотлар учун телефон: (998-71) 233-39-84

Факс: (998-71) 233-39-84

E-mail: press@minjust.qov.uz

Оила жамият

Почтасидан

ТАЛАБАЛАР ХУЗУРИДА

Тошкент автомобиль ва йўллар институтида сиёсатчи, иходкорлар, иқтисодчи ва маърифат аҳллар билан турли мавзуларда учрашув, мулоқотлар ўтказиш анъана га айланган. Кўпинча очиқ мулоқот ёки долзарб мавзулар доирасида олиб борилаётган бундай тадбирлар аввало, талабалар, қолаверса, институт ўқитувчилари ўтасида ҳам катта кизикиш ўйғотмоқда.

Касбий таълим ва автомобилсозлик факультетлари томонидан уюштирилган бу галги иммий-амалий семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қонунчилик ва суд-ҳукук масалалари кўмитаси раиси Светлана Ортикова, “Оила ва жамият” газетаси Бош муҳаррири Норқобил Жалилов, шоирлардан Шарифа Салимова, Эшқобил Шукур, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кафедра мудири Назира Тошпӯлатовалар иштирок этиб, Президентимиз ташаббуси билан ёзсон қилинган “Баркамол авлод йили”да ҳукуматимиз томонидан илмга чанкое талаба ёшларга кўрсатиляётган фамхўрликлар ва ўз навбатида уларнинг ҳам олдида турган масъулият хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиди.

(Ўз мухбирумиз)

АНДИЖОНДА ЁШЛАР ФОРУМИ

Андижон шахридаги “Чўпон” кинотеатрида вилоят ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, “Олима” аёллар уюшмаси, “Камолот” ЙИХ ҳамкорлигида “Баркамол авлод йили”га бағишилаб, “Соғлом авлод – миллат таянчи” шиори остида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Байрамона руҳда ташкил этилган ушбу анжуманда барча соҳаларда фаоллик кўрсатиляётган ёшлар иштирок этиши.

Форум дастурига киритилган шахардаги 2-ва 16-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг чиқишилари, санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиклир, шунингдек, анжуман доирасида ташкил этилган миллий ва замонавий либослар кўргазмаси кўпчиликда катта таассорот қолдириди. Тадбирда Андижон вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Якубова қатнашди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

ДЕПУТАТ САБОҚ БЕРМОҚДА

Чироқчи туманидаги Маҳмудтепа қишлоғида жойлашган 21-умумий ўрта таълим мактаби нафакат шу худудда, балки вилоят миқёсида ҳам намунали илим масканларидан бири саналади. Айни пайтда эллик нафар ўқитувчи фаолият юритаётган ва беш юздан зиёд ўқувчилар ўқиётган бу мактабга таҳжрили педагог, туман кенгаши депутати Дурдана Акбарова раҳбарлик килмокда. Ба ўзи ҳам ёш авлодга сабоқ берисида бошқаларга ўнрек бўлаёт.


Яқинда эса ушбу даргоҳда Президентимизнинг 2009 йил 1 июляда қабул қилинган “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигига мустаҳкамлаш, соглом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояжга етказиши, борасида аҳолининг ҳукумий тарғиб этиши билан боғлиқ тадбир ўтказилди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
“Оила ва жамият” мухбири.
Қашқадарё вилояти.

✓ 2010 — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

18 ёшгача бўлган йигит-қизлар мамлакатимиз ахолисининг таҳминан 40 фоизи(10 миллион 360 минг)ни, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизи(17 миллион 80 минг)ни ташкил этишини бўй-басти билан тасаввур қиласдиган бўлсак, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаронволиги йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида ёшларнинг хиссаси бекиёс аҳамиятга моликлиги кўзгуда акс этган-дек намоён бўлади.



Гап ёшлар ҳақида борар экан, уларни поёни йўқ, жаннатноманд бодгингилдизлари бакувват, бирис-бираидан чиройли, кўркам ва навқирон дараҳтларига киёс этгим келади. Албатта, бодгубон билан гўзал. Ҳақиқий миришкор бодғон бирор бир дараҳтни назаридан четда қолдирмайди. Ҳар бир ниҳо қалбига кулок тутади, ахволидан туన күн хабардор бўйи туради. Унибусиб, гуллаб мева беришни орзиқиб кутади. Аксинча, бодғон кўни тегмаган, унинг меҳридан баҳраманд бўлмаган дараҳт ўз ҳолича ўсиб, ёввойлашиб кетади. Айримлари тез, айримлари аста-секин куриб колади.

Шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандларининг нафакат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб камол топшишга муҳит яратиши, яъни ўзлари оиласи муқаддас билиб, меҳроқибат, росттўйлик, ҳалоллик, орномус, меҳнатсеварлик, фидойиллик, хурмат-иззат сингарлик анъаналарни карор топтишилари, шу орқали намуна бўлишлари лозим.

«Күш уясида күрганини қилади», деганларидек, фарзанд ҳам оиласда отонаисидан нимани ўзлаштирыс шундай тақрорлайди. Эр арзимаган баҳона билан хотинин койиса, камситса, бунгажа вобан хотин ҳам ўз «макорат»ини назар

мойиш этса, ахийри ўртада жаңжал чи-
қади. Табиийки, жанжал оиласнинг тин-
чини бузади, файзу баракасини йў-
қотади. Шубҳасизи, бу фарзандлар тар-
биясига ҳам таъсир этмай қолмайди.
Бундай ноҳушликинг рўй бермаслиги
учун эр ҳам, хотин ҳам ҳар қандай
холатда юзага келган муммонни бир-
бирини тушунган ҳолда вазменилигу са-
мимилик билан ҳал этишига киришса
олам гулистан. Аслида, ҳаёл-ибили,
аклу-заковатли, дину дие́ннатли, дид-
фаросатли, саранжом-сариштали уй-бе-
каси оиласнинг тинчлигию фаронов-
лигини ўйлаб иш тутиди. Рўзгордаги
кам-кўстни эр юзига солмайди. Сабр-
қилади. Керак бўлганда, «Буғдой но-
нинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсун» мақолига амал қилиб, йўқун
бордек кўрсатади. Ёғондан, мақтан-
чоклигу манманлиқдан ҳазар қиласди.
Буш вақтин кўшини аёллар билан гап-
сотиша, телевизор олдида соатлаб ўти-
риша ёки телефонауда узундан-узок ҳан-
гома қилишга эмас, болаларнинг таъ-

лим-тарбиясига багишлайды. Уларни оддий кийинишиг, тоза-озода юришига, китоб ўюшкүнунундайды. Оқ билан қоралы, яхши билан ёмонни, эзгулик билан ёзуулники фарқлашга, холоса чикаришга ўргатады. Оғиринген остидан, енгилдинг устидан юришига даъват этады. Ўйрёзгор ишларига күшади. Күч-күйдә, иш-иши шайланып тартып-интизомга риош килишга, хушумомалали, мулохазали, файратли бўлишга, кексаларга ёрдам кўрсатиб, дуоларини олишга, эл-юрт ташвиши кувончи билан яшашга чорлаб туради. Шу билан бирга, фарзандларининг ўкиш ва ишини, дўстларини, уларниң нималар билан машгүл бўлишарини сўраб-суршишидан ҳам эринмайди... Бундай оиласда вояг етган фарзандлар ақл-идорекли, билимли, ўзлигини англаган, маънавий баркамол инсонлар сафии кенгайтирибигина қолмай, давлат саложишини янада мустажамлашда муносиб хисса қўшадилар. Айнан ана шундай фарзандлар жамият тараққиётининг каноти, биз орзу қилган озод ва обод Ватан, эркин бағаровон хәттинген бүнгайкорлари бўла оладилар.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Тошкент молия институти
каттэ ўқитувчиси.

БАХТИНГИЗ БУТУН БЎЛСИН

ОИЛА — МУКАДДАС

ЁШЛАР ЭРТАСИН ҮЙЛАБ

Ёшпар ҳақида қайси бир давра ёки машваратда гап очилса, уларнинг эртанги кунимиз эзгалири яни сузу бизнинг ишончли ворисларимиз эканлигига алоҳида ургу берилади. Чунки ҳар қандай даврда ҳам катта авлод ўзидан кейинги авлод тимсолида ушалмаган орзу-умидлари рўёбга чиқишини астойдил истаган.

даги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари барча соҳа ходимлари, шу жумладан, ФХДЕ бўйлимлари вакилларига ҳам жиддий маслударни ўзгайди.

дии масбулият юклайди.
Айни пайтда юқорида санааб
үтилган янын даастуриламал вази-
фасини ўтовчи мухим хужжатлар
асосиди ишлаб чиқилган маҳсус
даастурларга мувоғиқ никоҳдан
ўтвичи ҳар бир келин-кўйвларни
ирсиятга таъсир этувчи қасаллик-
лар бўйича чукурлаштирилган тиб-
бий кўридан ўтказиш, репродук-
тав саломатлигининг аҳамиятини
тушунириш орқали ногирон фар-
зандлар туғилиши ва она-бала
ўртасидаги ўлим ҳолатларининг
кеескин камайишига эришиш мум-
кинлиги хусусида етарила тарф-
ибот олиб борилаётганилиги кат-
та самара беряпти десак янгли-
маймиз.

Айнұса, "Оила—мактаб—ма-
халла" әмбебердің лицеи жаңы мак-
таблардағы юорық синф үкүвчиле-
ри үртасақта күзініштің орындары
мекендейді. Масалан, ёшшарнинг неча
шілден баштап оила күрши мум-
кынлардың тибиіттің күрікнинг
аҳамияты, қариндошлар үртасада-
ғы никохларнинг заразалар оқытап-
лары билан болғылған саловаттар
малакалар мутахассислар, тиби-
ётчилар, ибратли оила вакиллары
хәйтій миссиялар орқали жараба
беришшілер. Қолаверса, күтте хәйтій
остонасига умид билан кадам
күйгөттеган ёшшар үртасақта күрілған

оиланнинг мустажкамлиги кўп холларда ёшларнинг ўзларига ҳам боғлиқлиги сир эмас. Афусуки орамизда никоҳ ва унинг белгилари кўйилган талабларига бефарқ, лоқайд муносабатда бўлаётганларни ҳам баъзан учраб турибди. Айримга ота-оналар ҳеч ўйламай-нетмай ўз ўткинчи орзу-хавасларни ўйлаб чатто эндигина мактабни битирган ўғлини тезроқ ўйлантиришга шомшишилади. Ҳали оддийгина оиласи ҳақида жўялироқ тушунчага ёки бирор қасб-хунарга эга бўлмагандай йигитча кутилмагандан бошига келиб кўнган "бахт куши"дан гангиди колади. Охир оқибатда арзимаган баҳоналар туфайли аввалига ёшгина келин-кўёвлар, кейин эса кудалар ўтрасида низо-келишмовчи чилик пайдо бўлади. Ва... колгандан манзара эса ҳаммамизга аён. Кўяун томондагилар Келиннинг уйдагичларини, келин тарафдагилар эса кўёу томонни айблаш билановоради.

Хаёт ҳар биримизга бир марта берилади. Оила куришда эса ҳеч қачон шошилмаслик керак. Эслайлик, күпнің күрган отаңхону нахонаштар лар халқонға бир ишораны бежис-кайта-кайта үктиришмайды: "Куда чилик — минг йилчилик". Шундай экан, ёргуғ орзу-ниятлар билан курилаётган ҳар бир оиласыннан аспидейвери мұстажкам бўлсинг!

Холида АКРАМОВА
Тошкент шаҳри Бектемир
тумани ФҲДЁ бўлими мудири

Оилалар totut, ахил яшаса, юртнинг эртаси ёруг, фарзандлари баркамол бўлади. Шуни чукур англаган ҳолда туман ФХДЁ бўлими қошида «Ёш оила курувчилар мактаби» ташкил этдик. Ушбу мактабда ўшларга сабок бериш учун педагог, психологог, ҳуқуқшunos ва шифокорлар жалб қилинган.

Жорий йилнинг январ ойидан бошлаб худудимиздаги мактабларда ҳам ўкув-машгулотларни йўлга кўйдик. Ўкувчиларга никоҳни қайд этишдан одинн тиббий кўриқдан ўтиши мухимлиги ва бошқа масалалар жонли тарзда видеолавхалар орқали кенг тушунтирилмоқда. Бундай тадбирлар оиласарда соғлом маънавий мухитнинг қарор тошиши, келлаганимиз ворислари бўлмиш ёш авлоднинг баркамол бўлиб улғайишида мухим омил бўлиб хизмат килишига ишончимиз.

**Рисолат НАЗАРОВА,
Пастдарром тумани 2-сон
ФХДЁ бўлими мудири.**



ВАТАН ТИЛДА ЭМАС, ЮРАКДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон халқ артисти, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби
Хусан ШАРИПОВ билан сұхбат**

— **Хусан ака, албатта, ҳар бир инсонда болалиқдан қайсиидир касбга, соҳага қизикиш пайдо бўлади. Сизда бу жараён қандай кечган?**

— Мен Тошкентнинг Бешёғоч маҳаласида туғилиб, шу ерда катта бўлганиман. Зукко, маҳоратли, талабчан одамлар мухитида улгайганиман. Баҳтимнинг чопганини қарангки, Муқимий номидаги театр орқасида мен ўқиган 90-урта мактаб жойлашган эди. Мактабимиз билан театр ораси бор-йўғи 20 метрча келарди. Энди қолган манзарани тасаввур қўлаверинг бир қулоғимизга муаллимларининг дарслари эшилса, иккисига ролларини машқ қиласётган актёрларнинг овозлари, хиргойила-ри кириб турарди.

Ўша пайтлари азбаройи қизикканин туфайли Лутифоним Саримсова, Ризоқ Ҳамроев, Турсуной Жавфарова, Маҳмуджон Фофуров, Эътибор Жалилова, Ҳамза Умаровларнинг ҳар қандай юракни сел қилиб юборадиган ёқими овозлари мени оҳанрабоддаб ўзига торгтан бўлса керакки, дарс пайти синфонаҳда ўтириб, улар ижро этажтган кўшик матнларини ўзимча дафтаришга ёзиб олардид.

*Элда даврон сўрган борми,
Бизни кўрган борми,
Ёр дарасиган бўлган борми,
Бизни ёрни кўрган борми?..*

Санъат йўли, айниска, театр санъати ниҳоятда машққатталаб, оғир ва залворли. Унга ҳар ким ҳам бардош беролмайди. Шунинг учун ҳар доим юқорида тилга олган устозларимга таъзим қиласман, руҳлари шод бўлсин, илой! Шу сұхбат баҳонасида фарзандлари актёрлик "касаллиги"га чалинган ота-оналарга маслаҳатим: эти ўлчаб бир кесинг, санъат соҳаси у ёқдан кириб, бу ёқдан чиқиб кетиладиган карвонсарой эмас! Фидойи, содик ва күйинчак бўлмас, ўтра ҳол ижро бўлиб қолаверади. Мен бу гапларни бекорга айтмаяланм. Сабаби, шунча йилдан бери ҳалқимиз орасида озми-қўлми, обрў-эътибор, шуҳрат қозониган бўлсан, ҳаммасига тинимиз мөнхатим ортидан эрищади. Ана шу йиллар ичада қанча актёрларни кўрдим. Сабаби, ишлаша наисбет этиди, лекин бу соҳага тасодифан кириб келгандлари ёки ўтқинчиҳо ҳам ҳаваслар, соҳта ном кимнишга интилганлари мухлислар, томошабинлар хотирасидан аллақаҷон учиб кетди. Шунинг учун яна тақорор айтаман: њеч қачон ўтра ҳол бўлмаслик керак!

— **Хўш, актёр иктидорли ва зўр бўлса-ю, режиссёр ўртаҳол бўлсанчи?**

— Масалан, мен бундай режиссёр билан ҳеч қачон ишламадим эдим. Шунака савиядаги кинода қўйирчоқсифат аҳволда роль ўйнагандан кўра, ўймада хотиржам ўтирганин ағзал эмасми? Афуски, бундайлар ҳам бор, орамизад. Тасаввур қилинг, ҳозирги шароитда битта кино қанча маблағ эвазига суратга олинади?! Актёр ана шу юниси, масульяни чукур англаб, кўтара олиши керак. Кўтара олмайдими, у ҳақиқий санъаткор эмас. Ҳозирги фильмларни киносаройларда томошабинларга тақдим этишадиги. Бу яхши, албатта, сарфланган маблагни баҳоли қудрат қоплаш ҳам керак-ку! Лекин телезрнанларга олиб қичишига нега жазм этишомалмайти? Ана сизга, мен айтётган энг катта юк! Майли, бозор шаротининг талаби шу энди, яхши, зўр кино ишлаб, истаганча пул топинг, боғ уринг, яшасин, боплабди, дейман, аммо зўрма-зўраси ишланган кинони кўрсатишининг кимга кераги бор?

— Санъатимиз даргалари яратган анъанавий мактаблар таҳжиралари келиб чиқиб, айтадиган бўлсан, актёрликнинг мезонлари, дарражаси, қолаверса, ўзига хос "темир конун-



"лари ҳам борми?"

— Аввало, ҳар бир актёр томошабин олдидағи масъултини ҳис этиши керак. Томошабин биттами, юзтами, мингтами, барibir, уларнинг талаби, диди, ўз дунёзариши бор. Улар орасида зукко, билимдан, зиёли ва оддий одамлар ҳам сизнинг ҳар бир хатти-харакатининг, гап-сўзининг, ҳатто мимиканингча синчковлик билан кузатиб ўтиради.

Актёр ҳамиша ҳар қандай ҳолатта тайёр туриши керак, деб ўйлайман. Сахнага чиқицдан олдин ёки камера олдига келишдан аввал ўз-ўзига хисоб бермоги шарт. Камера бу — кўзиг. Унинг олдига бор маҳоратни кўрсата олиш жуда кийин. Томошабинга маъқул ижора эришиши бир кунлик, иккиси кунлик иш эмас. Умбродан машқ қилиш, тоблиниш керак. Машқ санъаткориниғонона-погона оқсаклика кўтариб боради. Масалан, менинг ўзим Соиб Жўхаев, Лутифон ая, Ҳамза Умаровлар ролларни ижро этиши билан боғлиқ машқларини кўп марта кузатиб ўтириб, шунка ҳавасим келарди, асти кўяверинг. Уларга ўхашни ич-ичимдан астойдил ният қилардим. Шу устозлардан ўргангандан яхшилик сабоги менга бир умрлик дарс бўйди.

— Телевизион миниатюралар таҳтида анча йиллар фолият кўрсатгансиз. Сафдошларингиз Садир Зиёмуҳамедов, Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Воҳид Қодировларнинг ижро этган роллари, айтган ҳалқона гап-сўзларини ҳалигача одамлар кулиб эслашади? Негадир бугунги кунда ана шундай комик актёрлар камайиб кетаётгандек. Ёки нотургими?

— Менинг назаримда, саҳнага чиқиб кулидиршига иштиёқмандлар кўп, лекин бу мураккаб вазифани эплай олаётгандар кам. Кечириаслизар-у, оддий бир мисол, айниқса, айлар кичкинагина овагатга тайёргарлик кўраётса, бутун оиласи, бола-чақаси олдида қанчалар катта жавобгарлини зиммасига олиб уннайди. Биз ҳам ана шунга ўшаб, ҳар бир ихромизга жавобгармиз. Биз ҳеч қачон матнини бугун қўлимишга олиб, эртага тайёрман, демаганимиз. Камида бир ҳафта қаттиқ ишлаганимиз. Ўзимиздан нималаридир кўшишига ҳаракат қилганимиз.

— **Хусан ака, агар фалакнинг гардиши айлануб, Мелис Абзаловнинг "Суюнчи" фильми яна қайтадан суратга олинса, роль ўйнаш учун таклиф этишса, рози бўлармидингиз?**

— Нималар дәёпсизлар! Йўғ-е, ўтган умрни орта қайтариб бўлармиди. Яхшиши, шоирнинг ушбу сатрларини ўқиб берга қолайин:

*Ёшлик шўхликлари қайтмайди эди,
Кўйилиш даврига кўйганимиз қадам.
Баъзи бир сочларга қиро ҳам қўиди,
Бунга ҳам бермасдан поилож одам...*

— Айтишларича, Муқимий театри айни кимматчилик, қаҳатчилик йилларида курилган экан. Одамлар орасида ҳам ҳам қизиқ гаплар юради: "Ўша қийинчиллар театр актёrlariga ҳам таъсир қилган, уларнинг кўпчилиги ҳозиргачам тежамкор, бир сўмни бекорга сарфламайди" дейишиади. Агар шу гап ростдан ҳам тўғри бўлса, бу нарса сизга ҳам юқмани?

— Албатта, юқсан. Отасига раҳмат, шу гапни ким айтган бўлса. Тежамкорликни билан қизғанчиликнинг, хасисликнинг ўртасида еру мосмонда фарқ бор. Агар мен қийинчиллик кўрмаганимда шу гапларни гапириб ўтирам эдим. Менинг отам жуда қаттиқкўл одам эди. Каттиқкўллиги — уриш, қизғанчикликда эмас, аксинча, бизларга бирор ишни буориб, ўзлари синингда ортидан текшириб юардилар. Олмазорда ҳозир ҳам катта ҳолимлини бор, 20 сотиха келади. Ўша пайтларда баҳорнинг охри, ёз келди дегунча эрталаб турниб ер чопишим, лойкоришим, девор сувашим, гувала килишманд керак эди. Кўй бокардик. Ва яна, бир ёқда ўқишим бор. Мана шу ишларнинг ҳаммасини отам раҳматли бирмабир назорат килиб турарди-да.

Онам тўғрисида... (Кўзларига ёш олади) Урӯздан кейинги оғир йилларда ишни ўғил, иккиси қизни боқиш осон бўлмаган. Чарчаганимда, отамдан калтак еганимда онамнинг тиззалирига бош кўйиб ухлаб қолардим. Биласизми, мен учун баҳтиннинг асл сурати шу эди! Кимки ота-онасини ҳурмат қиласа, кадрласа, иккиси дунёда ҳам кам бўлмайди.

— **Хусан ака, Ватан сиз учун нима?**

— Бир қўшичи шогирдига айтган экан: "Қўшиқнинг нақоратида Ватан, Ватан, Ватан... деган сўзлар тақрорлаши шарт эмас, Ватан битта бўллади". Демак, ана шу бир оғиз сўзининг талағузида бутун меҳр, мұҳаббат, садоқат, ҳурмат ўз аксини топломи керак. Ватан тилда эмас, юракда бўлсин, шундагина кадрига етасиз.

— Актёрларнинг ҳаёти ва ижодий фаoliyatiга китобнинг ўрни қайдаражада деб ўйласиз?

— Китоб ўқимаган одам элнинг олдига чиқи иккиси оғиз гап гарипа оладими? Китоб ўқимаган актёр ўйнаган ролни ким қабул қиласи? Шунинг учун ҳам мен ҳозирги пайтда ишланадиган 10 та

фильмдан биттасини кўраман. Бу билан ўзимни осмонда юрибман деяётганим йўқ. Асарларимизда икир-чиқи, оила-вий жанжаллардан чиқиб кета олмайпиз. Шунинг учун телевидение ва кино соҳасидаги Бадиий қенгашлар фолиятини кучайтириш керак, бир йўлайман. Ана шундагина ҳам савия, ҳам талаб ошади, дид ошади.

Битта кўрсатуда кўрдим. Бир отанинг бешта ўғли бор эмиш. Икки ўғил касалхонанинг олдида турди. Шунда маҳала оқсоқоли чиқиб келтириди, уни энди қиминг ўйидан чиқармиз?" деб сўраса, фарзандларнинг бирортаси бунга рози бўлмай, ўзларича ҳар хил баҳоналар, найранглар тўқишиади. Тасаввур қиляпизларим, ўзини дунёга келтириган отасидан юз ўтириб турган ҳолатни шу тарзда кўрсатиб бўладими?.. Бунга кайси ақли бутун ўзбек ишонади, барака топгур?! Бундай тўқима, соҳида ҳам ҳолатлардан ишонади. Негадир кейинги пайтлари сертал кўрасизми, газета ўқийсизми, бечора қайноналарни салбий образ сифатида талқин этиш урғфа айланди. Ким ёмон — қайнона ёмон, алавсти, зуғу қиласи! Барака топгурлар, ўша қайнона ҳам она, шу оизорининг ўғлига ё қизига бирингиз кўйев, бирингиз келинисиз-ку! Эртага ўзингиз ким қандай қайнона, қайнота бўласиди, у ёғини ям ўйлаб қўйинг! Битта ноинсоғи топволиб, ҳаммаси шунака деб ҳукм чиқизига сизга ким ҳуқук берди? Ахир, бундак кўзингизни каттаро очиб, атрофинига қаранг, шаҳар-қишлоқларимизни айланаби кўринг, қанча ибрат олса аризгулик хонадонлар, ҳатто келини, кўёви, невараси учун жону жаҳонини беришига тайёр қайнона — оналар сони минглаб, миллионлаб топилиди.

Халқимизда ажойиб нақд бор: "Арпа эксанги — арпа оласан, бүғд эксанги — бүғд оласан". Бу дунёни қайтадар дунё дейдилар. Отасига яхшилик қилмаган боласидан ҳам яхшилик кўрмайди.

— **Баркамол авлод вакиллари бўлган ёшларимизга тилакларингиз.**

— Муҳтарам Президентимиз 2010 йилни "Баркамол авлод ийли" деб ёзлон қўнгиллари бежиз эмас. Ҳаёт карвони тўхтаб тургани ўй, дарёдай ўтиб кетаётир. Мустакиллик билан тенгдош ўғил-қизларимизни бўйи-бастига, қамолотига қараб турниб, бошимиз осмонга етади. Вактнинг тез ўтишини қарангни, улар ҳаш-паш дегунча 18-19 ёшини тўлдиришяпти. Ўзбекона айтадиган бўлсан, "От ўрнини тоба юсас" деганлари шу-да энди. Юртимизда эртаги кунларни бирга суратида саодати бўлмоги учун кўрсатиладиган фамхўйларликлар ҳақида ҳар қанча фаҳрга тўлиб, тўлқинлаби галирсақ аризайди. Санъат дейсизми, маданият, спорти, хуллас, ҳамма соҳаларда отабобалари кўрмаган кунлар, эришмаган ютуқ-муваффакиятлар шуларга наисбет ўзигининг ўзи билзларга юсак фаҳрифтихор багишлайди.

Яқинда Навоий ва Тошкент вилоятларидаги коллежларда таҳсил олаётгандай ёшлар хузурида уоширилган тақрорларда қатнашдим. Истиқол даври фарзандларининг зуққолиги, билимга чан-қоқлиги, касб-хунар эгалишга бўлган тақдиги, кечак қочон алдамнинг таъминигин таҳсиладиган. Келажак, наисбет эта, сизларни

— Дориломон кунларнинг қадрига етинг, Ватанни онангизни севганингизни каби сеянг, ардоқланг. Бирор фурсатни бой берманг. Бир-биринингизга меҳрли, оқибатли бўлинг, ота-онангизни чеч қочон алдамнинг. Бирорга ҳасад қилишдан ўзингизни тийнинг. Келажак, наисбет эта, сизларни!

13-СТУДИЯ ИЖОДИЙ ГУРГАНОН АШУРОВ, Мавлуда Тошпўлатова, Насриддин АСРИДИНОВ, Дилдора МАРДИЕВА



Бугун маҳалла, турли ташкилотлар, ўқув юртларида ахоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мавзусида жуда кўп тадбирлар, тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Кўпинча бу хақда гап кетганда асосий масала саломатлигимиз билан боғлиқ бўлса керак, деган хуло-сага келамис. Аслида, репродуктив саломатлик биз ўйлаганимиздан-да кенгроқ тушунча.

— Репродуктив саломатлик ибораси

ди. Лекин энди ўз соғлиғи бунга йўл кўймайди. Ҳали бир касалликдан кутуломай юрса, гоҳида озигина шамолласа ҳам тезда ўтиб кетавермайди. Ёшлиқда ҳам, қариганда ҳам ҳаловат, хотиржам-топиш учун бу хақда олдиндан ўйлаш, бир фарзандни бўлсан қандай бўлади-ю, икки фарзанд кўрсам қандай бўлади, деган саволлар билан ўзиға ўзи мурожаат қилиш фурсати етмадимикан?..

Айнан юқорида келтирилган Коҳира-

мингдан зиёди ўтган йили тиббий кўриқдан ўтган ва 590 минг нафарида тури касалликлар аниқланган. Тўғри, рақамларда уларнинг 478 минг нафари соғломлаштирилган, деган фактлар келтирилган. Аммо соғломлаштириш биргина муолажалар билан кифояланмайди-да. Фертил, яъни турғук ёшидаги аёллар аввалинч ҳар доим ўз соғлиқларига этиборли бўлишлари максадга мувофиқ.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

лама фойдали. Жуда эрта ёки кеч фарзандли бўлётган аёллар орасида тургунинг асоратли кечиши, гўдакларнинг ҳам муолажага муҳтоҷлиги кўпроқ кузатилмоқда.

Масалан, ҳали 16-17 ёшли қизнинг фарзандли бўлиши, турғук нормал кечиши учун унинг организми тайёр эмас: бачадони, чаноклари ҳали тўлиқ шаклланмаган. Шундай ҳолатда фарзандли бўлган келинлар келгусида кариб ногирон бўлиб қолиши ҳеч гапмас.

35 ёшдан кейин эса инсонда тури экстрагенитал касалликлар кўплаб учради. Бу эса шу ўшда ҳомиладор бўлган аёлларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Масалан, яқинда туманлардан биридан 35 ёшдан сўнг бешинчи фарзандига ҳомиладор аёлни олиб келишди. Аввало, аёл оғиз даражадаги камкорлик билан ҳомиладор бўялти. Турғук жараёнда бачадон йўлдоши муддатидан олдин кўчиши оқибатида фарзанд ҳам ногуд бўлган ва аёлнинг бачадони олиб ташашга тўғри келган. Энди ҳали киркча ҳам кирмаган аёлнинг келгуси ҳаётди қандай кечади? Аёл мана шундай ахвозда энди тўрт боласига қарасини ё ўзининг соғлиғига этибор берсинми?

Тўғри, турғук аёл организмини янгилайди, унинг қайсицир маънода фоаллашувига ҳам хизмат қиласди. Аммо бу турғулар ўз вактида кечсагина фойдали бўлиши мумкин. Фарзандли бўлган, аёл боласини аввало 2 йил кўкраб сути билан катта қилиши лозим. Кейин бир йил давомида организм қайта куч тўплаши, шундан сўнгигина яна ҳомиладор бўлиш мумкин. Бу эса ўз-ўзидан фарзандлар орасида ўш 4 йилни ташкил қилиши лозим, деган фикри келтириб чиқаради.

Инсон саломатлигининг дастлабки мезонин яқин қишилари, ижтимоий мухитидаги одамлар билан муносабатидан қайдаражада қоникиши билан белгиланади. Шундай экан, биз тўрт нафар фарзандигизга ҳам бир хилда меҳр-муомала ажратишга вақт топа оламизми?.. Икки нафарига-чи?..

Гулруҳ МУМИНОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

НЕЧА ЁШДА ФАРЗАНДЛИ БЎЛАЯПСИЗ?

— Олиб борган кузатишларимиз натижасида шу нарса аён бўлмоқдаки, — деда сухбати давом этириди Баҳтигул Ашурова, — аёлларимиз 20-30 ёш ораглигига фарзандли бўлишлари ҳар томондан.



«ҲАЛИ ТАЙЁР ЭМАСМАН!»

— Биз қачон ўз саломатлигимиз ҳақида қўйгурасиз? Қачонки, касаллик ўтиб, ўрнимиздан туролмай қолган ҳоллардагина, — дедай шифокорлардан бири. — Кейин шифокордан гина ҳам қилиб қўймиз: яхши врачар қолмади, нега ҳеч даво топмаяман, деба. Она ва бола саломатлиги хусусида ҳам шу гапларни айтиб ўтишимиз мумкин. Ота-она фарзанд кўришдан аввал уни тарбиялашга иродам, маблагим, саломатлигим етаришкан, деган саволларга жавоб бермайди. Аксинча, ўш келин-куёвларни тезори фарзандли бўлсан, одамларнинг гапсизига қолмасак, деган тушунча кўпроқ безовта қиласди. Бундай қарашга эга ота-она фарзандининг ҳам шундай бўлиб улгамаслигига ким қафолат беради?

Ҳозир Самарқанд вилояти бўйича фертил турғук ёшдаги аёллар 824 мингдан зиёдроқни ташкил қиласди. Статистик маълумотларга кўра, уларнинг 818

1994 йили Коҳирада ўтказилган конференцияда илк бор қўлланилиб, қабул килинган, — дедай Самарқанд вилоят репродуктив саломатлик маркази раҳбари Баҳтигул АШУРОВА. — Бу термин орқали кишининг фақат вуҳудидаги хасталикларни тушуниш керак эмас. Ушбу атама инсоннинг ижтимоий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам, жисмоний томондан ҳам баркамол, соғломлигини назарде тутади.

Этибор берганмисиз, аслида, касаллик ҳаётди ўзага келади? Албатта, турли тушунмовчиликлар, асабузарлик, сикилиш, тўғри овқатланмаслик, соғлом турмуш тарзига риоҳ қимаслик түфайли кўплаб хасталиклар пайдо бўлади.

«БОЛАЛАРДАН НЕЧА?..»

— Тасаввур қилинг, битта оиласда 5-6 нафар фарзанд бор, — дедай Тайлок туман хотин-қизлар кўмитаси раиси М. Йўлдошева. — Майли, оиласда барчаси кўнгилдагиге бўйсан ҳам, аммо қандайдир келишмовчиликлар, айниқса, ҳалқимизга хос бўлган фарзандларни уйжойла қиммагунга қадар кўнгил тинчимаслиги қанча ёшгача давом этиши мумкин? Ота-она бу ташвишлар билан неча ёшга киради: бири олтмишдир, бири етмишдир. Аммо шу ўшда у невараси ҳақида бош қотиради, ҳали омадсизрок бўлган боласини ўйлашга ҳаракат қиласа-

ЯШАШ КУРАШ ДЕМАКДИР

«Тан эмас, дил куйиги ёмон экан»,

10-сон

AKS-SADO

Ҳаётда яхши-ёмон кунлар бўлиши табиий. Баҳтиз ходиса юз бериб, эр-хотин куйиб қолган экансизлар, аввало, буни бир кўргилик деб қабул қилинг, сабрли бўлинг.

Хурматли қизим, Нодира. На эрингиз, на қайнота-қайнонагиз кўйганлик учун ахратилинган ёрдам пулла гэга чиқиши мумкин эмас. «Дилимизда яшайдиган қонун виҳдон дея атала-ди», деган экан Иммануэл Кант. Агар якинларнингизнинг шундай «қонун» ийӯк экан, давлат органларига мурожаат қилишга мажбурисиз. Ўз ҳақинизни ахратиб олиб, пластик операция қилинг. Ахратилинган ёрдамни бўлган бўлиб кетасиз. Фарзандларнингизга келсан, уларни ҳеч ким сиздан айролмайди (албатта, операциядан кейин буни суд орқали ҳал қиласиз).

Ҳозир биринчи галда операцияни теззатиб, ахволингизни яхшилаб олинг. Тушунлика берилманг. Ҳаёт тинимиз курашлардан иборат, голиб бўлиш учун эса курашмок керак.

Файнижамон АБДУЛЛА қизи,
Тошкент шахри.

Маматқул СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти
Боёвут тумани.

Ассалому алайкум, Нодирахон! Газетада мактубингизни ўқидим. Сизга осойишта шу хотиржам бўлишини тилайман. Баҳтиз дамларнингизни эсланг. Ҳали ундан ҳам баҳтиларни бўласиз. Ахраиш ташаббуси кимдан чиқсан бўйсан ҳам, бундай кила кўрманд. Умиднинг хиёнатига совуқдан бўлинг. Соғлиқ масаласига келсан, пластик операция қилинг. Бунинг бошқа давоси ҳам бор. Кўйгандан олдинги ҳолатнингиздан ҳам гўзан бўлиб кетасиз. Кўйганинг ичини кўйдирб юрасиз. Қандай қилин тузалганингизни, қанақа малҳамлар ёрдам берганини худди шу газетага ўзингиз ёзасиз.

Биз айтишимиз, реклама қилишини хозирча шарт эмас... Беҳазил айтиялан. Телефон рақамини таҳририятдан олишингиз мумкин. Ҳаётда яхши-ёмон кунлар бўлиши табиий. Ҳалим Ҳолмуродов, Қашқадарё вилояти Карши шахри.

Илгари амалда бўлган оила қонучилигига эр-хотинларнинг фақат қонуний (расмий) мулк тартиби мавзум эди. Ҳозирги вақтда бу тартиби сақлаб қолиши билан бирга, мулкнинг шартномавий тартиби ҳам ўрин берилди ва у «никоҳ шартномаси» деб аталади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси қонучилигига янгилаш, бўлган никоҳ шартномаси илик бор киритилиб, биринчи марта эр ва хотин мулкнинг шартномавий тартиби баён этилди ва бундай шартнома тузиш мумкинлиги белгиланди. Уни тузишдан мақсад никоҳлачунчилар мулкни ҳуққи ва бурчларининг

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ҚАЧОН ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРАДИ?

ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик ривоҷланаётган ҳамда хусусий мулкчилик мавжуд бўлган даврда эр-хотиннинг мулкка бўлган муносабатига аниқлик киритишидир.

Ушбу шартномани тузувчилар (субъектлар) фақат никоҳга кириувчилар ва никодаги эр-хотинлар бўлади. Уни тузиш учун хоҳлаган хотариусга муроҳат килиш мумкин. Вакил орқали тузишга йўл кўйилмайди.

Никоҳ шартномасини тузишда хотариусга ФХДЭ органларидан никоҳни давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб ариза бергани ҳақидаги маълумотнома ҳамда мазкур битимиштари тасдиқлаш учун ён кам иш ҳақининг 50 фоси миқдоридаги давлат бохси (тариф ҳақи) тўлағланганини тасдиқлови чипта тақдим этилади.

Никоҳ шартномасини эр-хотиннинг келишиши билан исталган вақтда ўзгарилиши ёки бекор қилиниши мумкин. У қандай тузисиган бўлса ўзгарилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклла амалга оширилади.

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

кий хукмлардан ва келаҳажда улар кўлга киритилиши мумкин бўлган мул-мulk ва мулкий ҳуқуқлардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Бу шартнома никоҳ қайд килинишидан олдин тузилса, фақат никоҳ тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

Мазкур шартнома нафақат эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки унинг ҳуқуқи тартибини ўзгаририш, шу билан бирга, эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

Мазкур шартнома нафақат эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

Мазкур шартнома нафақат эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

Мазкур шартнома нафақат эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

Мазкур шартнома нафақат эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

Мазкур шартнома нафақат эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

Мазкур шартнома нафақат эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

Мазкур шартнома нафақат эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

Мазкур шартнома нафақат эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

Мазкур шартнома нафақат эр-хотиннинг мол-мulkини вуҳудига келтириши ёки тузилганидан сўнг қонуний кучга киради, ак холда, шартнома бекор бўлган хисобланади.

НОМИЗНИ ТОШГА ЭМАС, ЮРАККА ЁЗАЙЛИК

БИРИНЧИ ВОКЕА

Асқар ўзининг бўйи баробар салобатли мармар тошни танлади. Сангтарошга ёзилажак сўзлар билан онасининг суратини колдириди-да, бозорга шошилди.

Шанба куниниң базми. Узатяпти. Отаси ҳам тўй аралаш «Онангга тош кўясан» деб турбি олди. Ўзи, уч йилдан бўён эсга ҳам келмаган экан. Ўйлаб қараса, яқин ўртада қабр бошига отасидан бўлак ҳеч ким бормабди.

«Отам билан онам ёмон яшамадилар» деб ўйлади Асқар. «Ейиш, ичишдан ҳам кам бўлишмади, хажга жўнгатди».

Мана, суратининг тагига катта-катта ҳарфлар билан «...ҳожи она» деб ёздириб, тошнинг энг зўрини қабрига кўйдираяпти. Тўрт сатр шеър ёздиришини ҳам исидан чиқармади.

... Асқар тошни олишга келганида онасининг суратини кўриб бир сесканди. Тирикдай-а!

Сангтарошнинг шаънига ичидан тассанно ўқиди. Аммо пул бераётганида келишилган нархдан кам берди. «Колганичи?» деган савол назар билан қараган устага:

— Кеча тайёр бўлиши керак эди. Келиб, овора бўлдим, буюртма ўз вақтида бўлмайдими? — деди.

У ҳам оғир, вазминроқ эканни, индамади. Ичи оғриди. У тош ўйнаётганида зарраси кўзига кириб, бир кун азобланганини айтиб ўтиради. Бу йигит қаброшни она ризолиги учун, уни зиёрат килишга борганида адаштирумай топиб бориш учун эмас, шон-шуҳрат учун, «Онасиға фалон нарҳдаги мана бундай тош кўйиди» деган обрў учун олиб кетаётгани аён эди.

Асқар тошни ховлисига олиб бориб кўйди. Келган-кетган кўриши учун шундай қилди. Тошни қабр тепасига ўрна-

тиб келиб, тўйни бошлиб юборди. Дастурхонга кўйилган ноз-неъмат, ичимликларнинг хилма-хиллиги маҳаллада дувдуд гап бўлди.

ИККИНЧИ ВОКЕА

Қабристон назоратчиси дарвоза олдига келиб тўхтаган «Нексия»га пешвуз чиқди. Ундан уч нафар қадди-комати келишган йигитлар тушиб келиди. Хатти-харакатларидан улардан бири — бошлилк, ёнидагилари — ҳожатбарорлари.



— Отам вафот қилдилар. Шуларга жой...

Назоратчи раҳбарнинг гапи тугамай, уларни ичкарига бошлади. Тартибида кўра охирги қаброшни она ризолиги учун, уни зиёрат килишга борганида адаштирумай топиб бориш учун эмас, шон-шуҳрат

учун, «Онасиға фалон нарҳдаги мана бундай тош кўйиди» деган обрў учун олиб кетаётгани аён эди.

— Отамнинг жойи мана шу ер бўлади! — Ахир, у ерга ҳали ҳеч кимни кўйиш мумкин эмас. Ўйдик жойда биттагина қабр турса... Қолаверса, кейин бошқалар ҳам ўзлари хоҳлаган жойни танлаш-

га тушишади... Тартиб деган нарса бор... — Айтганини қилинг!

Назоратчининг оғзидағи оғзида, бўғзидағи бўғзида қолди.

Кун яримламай Ўйдик жойда янги қабр пайдо бўлди. Орадан ҳеч кинча кун ўтмай қабрнинг атрофи мармар билан уралди, гуллар экилди. Шу асно талайгина жой банд қилинди. Қабристонга кирганчик-қан ўрга алоҳиди бир назар ташлади.

Одамлар «Епирай, тириклар бир-бirlаридан ўтказиб иморат солишини ту-

шунса бўлар, мархумларга бу қадар дабдабанинг нима кераги бор экан? Ҳамма бир хил бўладиган жойда ҳам тоифага ажратиладиган бўлибди-да», деб ўтадиган бўлишиди...

УЧИНЧИ ВОКЕА

Ойхумор болаларини барвафт ўйтотди.

— Туринлар, бугун қабристонга бориб дадангинг қабрни тозалашимиз керак. Ўт босиб ётган бўлса, кўрганлар нима дейди?

Ўзи тошойна олдинга бориб, пардо-андозини қилди.

Улар боришиганида қабристонга кўпчилик келиб бўлган экан. Бола-чақа, хотин-ха-

лах. Бирор Қуръон тиловат қиласяпти, бирор қўчат экаянти...

